

ИЗ - 2014-0915121104

Гериятрия амалиётида қўлланиладиган гиполлипидемик восита пирацин дори шаклини ишлаб чиқиш ва стандартлаш **Лойиҳа раҳбари – к.ф.д., проф. А.А.Шабилалов**

Лойиҳа режаси бўйича МЧЖ “Remedy Group” ишлаб чиқариш корхона шароитида Пирацин қобиқланган таблеткаларни 0,05 ва 0,1 г дан тажриба туркумини олиш ўзлаштирилди. Бунда Пирацин прессланадиган массаси, ядро-таблеткалар ва қобиқланган таблеткалари 0,05 ва 0,1 г дан 500 донадан таблетка олинди, таблеткаларнинг физик-механик кўрсаткичлари ўрганилди ва блистерларга 10 та таблеткадан жиҳозланди.

Пирацин қобиқланган таблеткаларини 0,05, 0,1 г. МЧЖ “Remedy Group” корхона шароитида ўзлаштириш натижалари бўйича технологик жараёнлар учун киримчиқим моддий баланс нисбатлари ҳисобланди ва натижалар Тажриба ишлаб чиқариш регламентини тузиш учун асос бўлди

МЧЖ “Remedy Group” ишлаб чиқариш корхона шароитида Пирацин қобиқланган таблеткаларнинг 0,05, 0,1 гдан ишлаб чиқаришдаги майдалаш, элаш, тортиш, грануляциялаш, пресслаш, қобиқлаш каби босқичларга меъёрий хужжатларда келтирилган сифат назорати ва стандартлаш усуллари тажриба туркуми намуна-ларида синаб кўрилди. Олинган натижалар асосида сифат меъёрлари ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришни назорат қилишга жорий қилишга тавсия этилди.

Фармакопоя мақоласи лойиҳасини тасдиқланишини мониторинг қилиш натижаси бўйича ЎзР ССВ ДВТТСНББ Фармакологик Қўмита томонидан томонидан «Пирацин RG» қобиқланган таблеткалари . клиник синовларига руҳсат этилди.

Шу муносабат билан клиник синовларга етарли миқдорда таблеткаларни ишлаб чиқариш учун субстанция ва ёрдамчи моддалар тайёрланди.